ҚҲММБ: 09/20/525/1236
28.08.2020 й.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil «28» август № 525 Toshkent sh.

## Андижон вилоятининг Бўстон туманини 2020-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни тасдиқлаш тўғрисида

Андижон вилоятининг Бўстон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ҳамда ижтимоий соҳа объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш орқали туман аҳолисига қулай шароитлар яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Андижон вилоятининг Бўстон туманини 2020 – 2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – дастур):

2020 – 2022 йилларда Андижон вилоятининг Бўстон туманида камбағалликни қисқартириш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар 1-иловага;

2020 – 2022 йилларда Андижон вилоятининг Бўстон туманида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати 2-иловага;

2020 – 2022 йилларда Андижон вилоятининг Бўстон туманида ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш параметрлари 3-иловага;

2020 – 2022 йилларда Андижон вилоятининг Бўстон туманида йўл-коммуникация тизими ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Андижон вилояти ҳокимлиги тегишли давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва лойиҳаларнинг ташаббускорлари билан биргаликда дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатиб, мониторинг натижаларини доимий равишда муҳокама қилиб борсин ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш чораларини кўрсин.

ҚҲММБ: 09/20/525/1236
28.08.2020 й.



Бунда Андижон вилояти ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тижорат банклари билан келишган ҳолда дастурда назарда тутилган параметрларга, заруратга кўра, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги, тижорат банклари ва ташаббускорлар билан биргаликда Бўстон туманида тадбиркорликни янада ривожлантириш, чет эл инвестицияларни жалб этиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш мақсадида қўшимча равишда ҳар бирининг қиймати 5 млн АҚШ долларига тенг бўлган 5 та йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқсин ҳамда унинг амалга оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда босқичма-босқич Бўстон тумани марказини оқова сув тизими тармоқлари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва унинг амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир маҳаллада деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхатини шакллантирсин.

Бунда аҳоли учун қулай жойлашган, лекин фойдаланишдан чиққан ерларни ҳар бир талабгор ва экин тури бўйича тақсимлаб, уларни кооперацияларга бириктириш назарда тутилсин.

6. Андижон вилояти ҳокимлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Бўстон тумани Кўҳинур МФЙда 2 гектар ер майдонида кичик саноат зонаси ташкил этсин.

7. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги Андижон давлат тиббиёт институти балансидаги Бўстон хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг фойдаланилмасдан бўш турган ўқув биносининг бир қисмида Бўстон тумани Давлат хизматлари марказини ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда дастурда назарда тутилган марказлаштирилган маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини жорий ҳамда келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда инобатга олсин.

9. Андижон вилояти ҳокимлиги дастурдаги тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича лойиҳа ташаббускорлари фаолиятининг натижадорлигини вилоят ва туман фаоллари йиғилишларида муҳокама қилсин ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ. Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "28" августдаги 525 -сон қарорига
1-илова

**2020-2022 йилларда Андижон вилоятининг Бўстон туманида камбағалликни қисқартириш юзасидан амалга ошириладиган**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

| Т/р | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида туман иқтисодиёт, бандлик, молия, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, тижорат банклари бўлимлари вакилларидан иборат **доимий ишлайдиган ишчи гурух ва штабни ташкил этиш** | Туман ҳокимининг фармойишини қабул қилиш | 2020 йил 5 сентябрь | Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бўстон тумани ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 2. | Маҳалла бўйича камбағал оилаларнинг сонини ва таркибини аниқлаш юзасидан маҳалла фаоллари иштирокида **махсус гуруҳ тузиш (маҳалла раиси ва 4 нафар фаол маҳалла фуқароси, шу жумладан, 2 нафар фаол хотин-қизлар жами 5 та)** | Туман ҳокимининг фармойишини қабул қилиш | 2020 йил 5 сентябрь | Андижон вилояти ҳокимлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бўстон тумани ҳокимлиги |
| 3. | Маҳаллаларда ҳақиқий шароитни хатловдан ўтказган ҳолда туман паспортини шакллантириш | Қуйидагиларни назарда тутган ҳолда туман паспортини шакллантириш:<br>- камбағалликка оид реал аҳвол, яъни маҳаллалардаги даромади кам оилаларнинг сони, ногиронлиги бўлганлар, беш ва ундан ортиқ фарзанди борлар, боқувчисини йўқотганлар, ишсизлар ва мигрантлар тўғрисидаги маълумотларни тоифаларга ажратган ҳолда шакллантириш | 2020 йил 15 сентябрь | Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бўстон тумани ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 4 | Хатлов натижаларига кўра <u>**хар бир оилани**</u> тоифаларга ажратиш | Хатлов натижаларига кўра ҳар бир оилани:<br>тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга лаёқати;<br>касбий кўникмаларга муҳтожлиги;<br>ер ресурсларига ва уй ҳайвонларига муҳтожлиги;<br>қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун қўшимча ер ва инфратузилмага талаби;<br>товар ва хизматларни реализация қилиш имкониятлари;<br>иш билан таъминлашга муҳтожлиги;<br>тадбиркорлик ва касбий кўникмаларга эга бўлмаган ҳамда меҳнат қилиш имконияти чекланган камбағал оилалар аъзоларини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тоифаларга ажаратиш | 2020 йил<br>20 сентябрь | Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бўстон тумани ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 5. | Аҳолининг турли қатламларини тадбиркорлик ва касбий кўникмаларга ўргатиш. | Касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп фарзандли аёллар, ишсизлар, ёшлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, хусусан тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишларда касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш.<br>“Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури”ни ишлаб чиқиб, талабгорлар рўйхатини шакллантириш.<br>Касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиш.<br>Аҳолининг турли қатламларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда тарғибот ишларини амалга ошириш мақсадида:<br>- ҳар бир ҳудудда ишсиз аҳолини илғор бизнес ташаббуслари бўйича катта ютуқларга эришган тадбиркорларни жалб қилиб, мастер-класслар ва тренинглар ўқитиш курсларини ташкил этиш;<br>-тадбиркорлик лойиҳалари ташаббускорларига кўмаклашиш, бунинг учун зарурий асбоб-ускуна ва жиҳозлар кўргазмаларини ташкил этиш | 2020 йил давомида | Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Марказий банк, Бўстон тумани ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 6. | Лалми ва оборотдан чиқиб кетган ерларни тиклаш, зарур инфратузилмаларни яратиш | Лалми ва оборотдан чиқиб кетган ерлар рўйхатини контурлар бўйича аниқлаш ҳамда аниқланган ерларни оборотга киритиш учун талаб қилинадиган инфратузилма (сув, электр энергияси, томчилатиб суғориш тизими, йўл ва бошқалар) учун маблағ ажратиш | 2020-2022 йиллар давомида | Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, "Давергеодезкадастр" қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Бўстон тумани ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 7. | Томорқадан унумли фойдаланиш, уй ҳайвонлари, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари уруғлари ва кўчатлар етказиб бериш | Камбағал хонадонларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ва бошқа манбалар ҳисобига:<br>- аҳоли томорқа майдонларини суғориш муаммоли ҳудудларда артезиан қудуқлар қазиш ва шўрланиш юқори бўлган ҳудудлардаги коллектор тармоқларини тозалаш ва дренаж қудуқларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш;<br>-лалми ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун зарур инфратузилма (сув, электр) яратиш;<br>- мевали дарахтлар ва сабзавот кўчатлари ҳамда уруғлари, чорва, парранда ва бошқа уй ҳайвонлари харид қилиш учун маблағ ажратилишини таъминлаш. | 2020-2022 йиллар | Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бўстон тумани ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 8. | Туманда кичик саноат зоналарини кенгайтириш, янгиларини ташкил этиш ва иш ўринлари яратиш | Янги КСЗлари ташкил этиш учун инфратузилмаси мавжуд бўш бино ва ер майдонларини аниқлаш | 2020-2022 йиллар | Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, "Давергеодезкадастр" қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Бўстон тумани ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 9. | Бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва кредит ажратишда кўмаклашиш | Туманнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, бизнес режалар учун танлов эълон қилиш ва энг мақбул лойиҳа таклифига тижорат банклари томонидан кредит ажратишни таъминлаш | 2020-2022 йиллар | Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Марказий банк, Бўстон тумани ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 10. | Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда меҳнат қилиш имконияти чекланган камбағал оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш | Ушбу тоифадаги камбағал оилаларни давлат томонидан манзиллий ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш | 2020-2022 йиллар | Андижон вилояти ҳокимлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бўстон тумани ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “28” августдаги 525 -сон қарорига
2-илова

**2020-2022 йилларда Андижон вилоятининг Бўстон туманида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг**
**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

| Т/р | Ташаббускор номи | Лойиҳа номи | Лойиҳа қиймати, (млн сўм) | шундан: молиялаштириш манбалари | | | | Иш ўринлари | Хизмат кўрсатувчи тижорат банки | Ишга тушиш муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблағи, (млн сўм) | банк кредити (млн сўм) | хорижий кредит линияси, (минг доллар) | хорижий инвестиция, (минг доллар) | | | |
| | **Жами: 20 та** | | **432 089** | **94 280** | **86 375** | **2 735** | **22 300** | **1008** | | |
| | ***I.САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА*** | | | | | | | | | |
| 1 | "Shanghai grandteks"МЧЖ | Ип ишлаб чиқариш ва тўқимачилик корхоналарига хизмат кўрсатишни ташкил этиш | 12 250 | | | | 1 300 | 40 | «Hamkorbank» АТБ | 01.10.2020 |
| 2 | “Сайёра фаввораси” ХК | Ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 30 160 | 10 000 | | 2 000 | | 200 | «Агробанк» АТБ | 01.12.2021 |
| 3 | ЯТТ Эркинбоев Бобуржон | Мебель ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 1 200 | 1 200 | | | | 20 | «Hamkorbank» АТБ | 01.12.2020 |
| 4 | "Сайёра фаввораси плюс" МЧЖ | Ип йигирув фабрикасини ташкил этиш | 113 625 | 30 300 | 83 325 | | | 400 | «Агробанк» АТБ | 01.10.2020 |
| | **Саноатни ривожлантириш соҳасида** | | **157 235** | **41 500** | **83 325** | **2 000** | **1 300** | **660** | | |
| | ***II. ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА*** | | | | | | | | | |
| 1 | "Максудбек Окшоми" МЧЖ | Умумий овқатланиш хизматини ташкил этиш | 600 | 350 | 250 | | | 8 | Халқ банки | 01.11.2020 |
| 2 | "Зулайҳо савдо карвони" ХК | Умумий овқатланиш ва савдо марказини ташкил этиш | 700 | 400 | 300 | | | 7 | «Hamkorbank» АТБ | 01.10.2020 |
| 3 | ЯТТ Пайзуматов Дилшодбек | Мини стадион ташкил этиш | 800 | 300 | 500 | | | 4 | «Агробанк» АТБ | 01.10.2020 |
| 4 | "Bo`z medical pro" ОК | Хусусий шифохона ташкил этиш | 450 | 450 | | | | 8 | Халқ банки | 01.10.2020 |
| 5 | "Export ru" МЧЖ ҚК | Тўйхона ва дам олиш маскани ташкил этиш | 10 080 | 8 080 | 2 000 | | | 10 | «Hamkorbank» АТБ | 01.12.2020 |
| 6 | "Unversal gaz distrubution" МЧЖ | Автомобилларга газ қуйиш шахобчасини реконструкция қилиш | 20 000 | 20 000 | | | | 6 | АТБ «InFinBank» | 01.12.2020 |
| 7 | "Бунёдкор мадад ҳамкор" МЧЖ | Транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш | 3 016 | 1 000 | | 200 | | 5 | Миллий банк | 01.10.2020 |
| 8 | "Ғолибахон шоҳ лаззати" ОК | Меҳмонхона ва ошхона хизмати кўрсатишни ташкил этиш | 2 000 | 2 000 | | | | 15 | Халқ банки | 01.10.2020 |
| 9 | "Mega ekspress lux" МЧЖ | Замонавий меҳмонхона ва умумий овқатланиш шахобчасини ташкил этиш | 2 260 | 1 000 | | 125 | | 20 | «Ипотека-банк» АТИБ | 01.04.2021 |
| 10 | "Имрон 2020" МЧЖ | Тантаналар саройи ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш | 2 260 | 1 000 | | 125 | | 15 | Халқ банки | 01.10.2020 |
| | **Хизмат кўрсатишни ривожлантириш соҳасида** | | **42 166** | **34 580** | **3 050** | **450** | **0** | **98** | | |
| | ***III. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА*** | | | | | | | | | |
| 1 | "Сара сабзавотлар" МЧЖ | Музлаттичли омборхона ташкил этиш | 2 000 | 2 000 | | | | 3 | «Агробанк» АТБ | 01.10.2020 |
| 2 | "Сарафроз гуллари" МЧЖ | Қорамол наслчилигини ривожлантириш | 2 000 | 2 000 | | | | 10 | Халқ банки | 01.10.2020 |
| 3 | "Evro baraka" МЧЖ | Чорвачиликни ташкил этиш | 1 200 | 600 | | 60 | | 15 | Халқ банки | 01.10.2020 |
| 4 | "Fresh milk trade" | Чорвачиликни ташкил этиш | 2 000 | 800 | | 125 | | 12 | Халқ банки | 01.10.2020 |
| 5 | "XXI аср истикболи" МЧЖ | Бўрдоқичиликни ташкил этиш | 1 308 | 300 | | 100 | | 10 | Халқ банки | 01.10.2020 |

ҚҲММБ: 09/20/525/1236
28.08.2020 й.



| Т/р | Ташаббускор номи | Лойиҳа номи | Лойиҳа қиймати, (млн сўм) | шундан: молиялаштириш манбалари | | | | Иш ўринлари | Хизмат кўрсатувчи тижорат банки | Ишга тушиш муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ўз маблағи, (млн сўм) | банк кредити (млн сўм) | хорижий кредит линияси, (минг доллар) | хорижий инвестиция, (минг доллар) | | | |
| 6 | "Evro ekfin" МЧЖ | Наслчилик, сутни қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш | 224 180 | 12 500 | | | 21 000 | 200 | Хорижий банк кредит маблағлари | 01.01.2022 |
| | **Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида** | | **232 688** | **18 200** | **0** | **285** | **21 000** | **250** | | |

ҚҲММБ: 09/20/525/1236
28.08.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “28” августдаги 525 -сон қарорига
3-илова

## 2020-2022 йилларда Андижон вилоятининг Бўстон туманида ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш ПАРАМЕТРЛАРИ

| Т/р | Касбга қайта тайёрлаш маркази номи | Маҳалла фуқаролар йиғинлари номи | Жалб этиладиган ишсизлар сони | Йўналишлар номи | | Ўқув курслари муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Тикувчилик | Ҳунармандчилик | |
| | ЖАМИ | | 408 | 234 | 174 | |
| 1 | Бўстон қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежи | "Ғолиб" МФЙ | 15 | 10 | 5 | 2 ой |
| | | "Кўҳинур" МФЙ | 17 | 15 | 2 | 2 ой |
| | | "Янгиқишлоқ" МФЙ | 25 | 15 | 10 | 2 ой |
| | | "Янгиобод" МФЙ | 27 | 10 | 17 | 2 ой |
| | | "Мустақиллик 15 йиллиги" МФЙ | 10 | 5 | 5 | 2 ой |
| | | "Чорвадор" МФЙ | 15 | 10 | 5 | 2 ой |
| | | "Меҳнатобод" МФЙ | 8 | 5 | 3 | 2 ой |
| | | "Нурафшон" МФЙ | 20 | 15 | 5 | 2 ой |
| | | "Гулистон" МФЙ | 15 | 10 | 5 | 2 ой |
| | | "Чашма" МФЙ | 20 | 10 | 10 | 2 ой |
| | | "Халқабод" МФЙ | 12 | 6 | 6 | 2 ой |
| | | "Деҳқонобод" МФЙ | 17 | 8 | 9 | 2 ой |
| | | "Бўстон" МФЙ | 20 | 10 | 10 | 2 ой |
| | | "Пиллакор" МФЙ | 5 | 3 | 2 | 2 ой |
| | | "Гулшан" МФЙ | 12 | 5 | 7 | 2 ой |
| | | "Тафаккур" МФЙ | 15 | 8 | 7 | 2 ой |
| | | "Сариқжўга" МФЙ | 20 | 10 | 10 | 2 ой |
| | | "Наврўз" МФЙ | 10 | 5 | 5 | 2 ой |
| | | "Боғи эрам" МФЙ | 20 | 10 | 10 | 2 ой |
| | | "Гузар" МФЙ | 20 | 15 | 5 | 2 ой |
| | | "Маориф" МФЙ | 20 | 15 | 5 | 2 ой |
| | | "Дўстлик" МФЙ | 20 | 10 | 10 | 2 ой |
| | | "Маданият" МФЙ | 15 | 8 | 7 | 2 ой |
| | | "Яккатол" МФЙ | 15 | 8 | 7 | 2 ой |
| | | "Сарбон" МФЙ | 17 | 10 | 7 | 2 ой |

*Изоҳ. Тумандаги меҳнат бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб касб тайёрлаш йўналишларига тегишли ўзгартиришлар киритиш мумкин.*

ҚҲММБ: 09/20/525/1236
28.08.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “28” августдаги 525 -сон қарорига
4-илова

**2020-2022 йилларда Андижон вилоятининг Бўстон туманида йўл-коммуникация тизими ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Ўлчов бирлиги | Қуввати | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм) | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил | Молиялаштириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Туман бўйича жами** | | | **153 588** | **34 808** | **43 528** | **75 252** | | |
| **I. Мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | | |
| 1 | 16-сон мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш | ўрин | 120 | 4 800 | | 4 800 | | Республика бюджети маблағлари | Мактабгача таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 2 | 14-сон мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш | ўрин | 90 | 3 650 | | 3 650 | | Республика бюджети маблағлари | Мактабгача таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 3 | 18-сон мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш | ўрин | 120 | 4 800 | | | 4 800 | Республика бюджети маблағлари | Мактабгача таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 4 | 19-сон мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш | ўрин | 90 | 2 500 | | | 2 500 | Республика бюджети маблағлари | Мактабгача таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 5 | 6-сон мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш | ўрин | 150 | 520 | 520 | | | Маҳаллий бюджет маблағлари | Андижон вилояти ҳокимлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги |
| 6 | 15-сон мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш | ўрин | 150 | 2 000 | | 2 000 | | Маҳаллий бюджет маблағлари | Андижон вилояти ҳокимлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги |
| 7 | 1-сон мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш | ўрин | 150 | 2 600 | | 2 600 | | Маҳаллий бюджет маблағлари | Андижон вилояти ҳокимлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги |
| **Жами** | | | | **20 870** | **520** | **13 050** | **7 300** | | |
| **II. Умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | | |
| 1 | 11-сон мактабни реконструкция қилиш | ўрин | 510 | 960 | | | 960 | Республика бюджети маблағлари | Халқ талими вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Ўлчов бирлиги | Қуввати | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм) | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил | Молиялаштириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | 16-сон мактабни реконструкция қилиш | ўрин | 420 | 4 500 | 4 500 | | | Республика бюджети маблағлари | Халқ талими вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 3 | 23-сон мактабни реконструкция қилиш | ўрин | 450 | 7 500 | | | 7 500 | Республика бюджети маблағлари | Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 4 | 9-сон мактабни мукаммал таъмирлаш | ўрин | 320 | 3 200 | 3 200 | | | Республика бюджети маблағлари | Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 5 | 26-сон мактабни мукаммал таъмирлаш | ўрин | 420 | 1 475 | | 1 475 | | Республика бюджети маблағлари | Халқ талими вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 6 | 19-сон мактабни мукаммал таъмирлаш | ўрин | 422 | 3 400 | | 3 400 | | Республика бюджети маблағлари | Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 7 | 21-сон мактабни мукаммаал таъмирлаш | ўрин | 510 | 3 400 | | 3 400 | | Республика бюджети маблағлари | Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 8 | Туман халқ таълими биносини мукаммал таъмирлаш | ўрин | - | 2 000 | | 2 000 | | Республика бюджети маблағлари | Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| | **Жами** | | | **26 435** | **7 700** | **10 275** | **8 460** | | |
| | **III.Соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | |
| 1 | Янгиобод қишлоқ врачлик пунктини мукаммал таъмирлаш | объект | 1 | 1 800 | | 1 800 | | Республика бюджети маблағлари | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 2 | Т.Мирзаев қишлоқ врачлик пунктини мукаммал таъмирлаш | объект | 1 | 1 100 | | | 1 100 | Республика бюджети маблағлари | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |

ҚҲММБ: 09/20/525/1236
28.08.2020 й.



| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Ўлчов бирлиги | Қуввати | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм) | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил | Молиялаштириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 3 | Наврўз қишлоқ врачлик пунктини мукаммал таъмирлаш | объект | 1 | 1 000 | | 1 000 | | Республика бюджети маблағлари | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 4 | Бобур қишлоқ врачлик пунктини мукаммал таъмирлаш | объект | 1 | 1 200 | | 1 200 | | Республика бюджети маблағлари | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 5 | Марказий шифохонанинг хирургия, шошилинч тез ёрдам бўлимлари ва туғруқ мажмуаси биноларини реконструкция қилиш | объект | 1 | 6 000 | | | 6 000 | Республика бюджети маблағлари | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 6 | Пахтакор қишлоқ врачлик пунктини реконструкция қилиш | объект | 1 | 710 | | 710 | | Маҳаллий бюджет маблағлари | Андижон вилояти ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги |
| | **Жами** | | | **11 810** | | **4 710** | **7 100** | | |
| | **IV. Спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | |
| 1 | Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўйингоҳини реконструкция қилиш, ўйингоҳ ҳудудида 18х42 ҳажмдаги спорт зали қуриш | объект | 1 | 19 500 | | | 19 500 | Республика бюджети маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| | **Жами** | | | **19 500** | | | **19 500** | | |
| | **V. Бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | |
| 1 | Туман марказида "Ёшлар маркази" биносини қуриш | объект | 1 | 4 500 | 4 500 | | | Республика бюджети маблағлари | Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 2 | Бўстон тумани Давлат хизматлари маркази биносини реконструкция қилиш | объект | 1 | 1 700 | 1 700 | | | Давлат-хусусий шериклик | Давлат хизматлари агентлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 3 | Туман марказида "Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш" бўлими учун наъмунавий лойиҳа асосида мавжуд "Маҳалла мажмуаси" биносини мукаммал таъмирлаш ва жихозлаш | объект | 1 | 450 | 450 | | | Республика "Маҳалла" жамғармаси маблағлари | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги |
| 4 | Тумандаги ўз биносига эга бўлмаган 11 та МФЙларга наъмунали лойиҳа асосида янги бино қуриш | объект | 11 | 4 000 | | 4 000 | | Республика "Маҳалла" жамғармаси маблағлари | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги |
| | **Жами** | | | **10 650** | **6 650** | **4 000** | | | |
| | **VI. Йўл инфратузилмасини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | |
| 1 | А-373 "М39 автойўли-Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали Ўш" автомобиль йўлини реконструкция қилиш ишларини якунига етказиш | км | 10 | 25 000 | | | 25 000 | Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси маблағлари | Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги |
| 2 | 4К119 "Қозиқўрғон-Бўз-Шодмонов" автомобиль йўлини таъмирлаш | км | 4 | 320 | 320 | | | Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси маблағлари | Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги |

ҚҲММБ: 09/20/525/1236
28.08.2020 й.



| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Ўлчов бирлиги | Қуввати | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм) | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил | Молиялаштириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 3 | 4Р128 "Бўз-Ўрмонбек-Баликчи" автомобиль йўлини таъмирлаш | км | 12 | 400 | 400 | | | Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси маблағлари | Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги |
| 4 | 4К115 "Сарой-Дарламон-Хавос" автомобиль йўлини таъмирлаш | км | 6 | 480 | 480 | | | Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси маблағлари | Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги |
| 5 | 4К115а "Гулистон ш/хга бориш" автомобиль йўлини таъмирлаш | км | 1 | 110 | 110 | | | Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси маблағлари | Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги |
| 6 | 4К118 "Аҳмадобод-Шўртепа-Ўрмонбек" автомобиль йўлини таъмирлаш | км | 16 | 600 | 600 | | | Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси маблағлари | Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги |
| 7 | 4К118а "Бобир ш/хга бориш" автомобиль йўлини таъмирлаш | км | 6 | 560 | 560 | | | Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси маблағлари | Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги |
| 8 | Туман марказидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ички йўлларини таъмирлаш | км | 34 | 1 530 | 1 530 | | | Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси маблағлари | Андижон вилояти ҳокимлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси |
| 9 | Тумандаги 25 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 53 та ички кўчаларнинг ички йўлларини шағаллашаштириш | км | 41 | 700 | 700 | | | Андижон вилояти ҳокимлиги молия бош бошқармаси ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш худудий мақсадли жамғармаси маблағлари | Андижон вилояти ҳокимлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси |
| **Жами** | | | | **29 700** | **4 700** | | **25 000** | | |
| **VII.Табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | | |
| 1 | Табиий газ таъминотидаги жами 2 350 та хонадонларга табиий газ етказиб бериш ҳолатини ўрганиш, шундан, 2 300 та хонадонларга табиий газ ҳисобини тўғри юритиш мақсадида автоматлаштирилган электрон тизимли газ ҳисоблагичлар ўрнатиш | дона | 1 150 | 150 | 150 | | | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ маблағлари | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ |
| | | дона | 1 150 | 150 | | 150 | | | |
| 2 | Мавжуд ер ости газ қувурларининг фойдаланишдаги 7,41 км қисмини хаво босими ёрдамида тозалаш, мустаҳкамликка синаш, таъмирлаш | км | 2,1 | 11 | 11 | | | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ маблағлари | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ |
| | | | 2,6 | 13 | | 13 | | | |
| | | | 2,7 | 14 | | | 14 | | |

ҚҲММБ: 09/20/525/1236
28.08.2020 й.



| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Ўлчов бирлиги | Қуввати | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм) | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил | Молиялаштириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 3 | Ер ости газ қувурларини ҳимоялаш учун электр-кимёвий ҳимоялаш (ЭКХ) қурилмалари ўрнатиш | дона | 1 | 45 | | 45 | | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ маблағлари | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ |
| | | | 1 | 60 | | | 60 | | |
| 4 | Тумандаги 118 та газ тақсимлаш қурилмаларини техник тафтишдан ўтказиш | дона | 118 | 9,5 | 9,5 | | | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ маблағлари | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ |
| 5 | Суюлтирилган газ таъминотига ўтказилган ҳудудлардаги 73 та газ тақсимлаш қурилмаларини демонтаж қилиш, техник соз ҳолатдаги ГТҚлардан табиий газ таъминотидаги ҳудудларда газ таъминотини яхшилаш учун фойдаланиш | дона | 20 | 1,5 | 1,5 | | | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ маблағлари | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ |
| | | | 53 | 2,8 | | 2,8 | | | |
| 6 | Жами 4 дона газ тақсимлаш қурилмаларини мукаммал таъмирлаш (РДУК-100 1 дона, РДУК-80 1 дона ва РДБК-1/25 2 дона) | дона | 2 | 2,7 | 2,7 | | | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ маблағлари | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ |
| | | | 2 | 2,5 | | 2,5 | | | |
| **Жами** | | | | **462** | **175** | **213** | **74** | | |
| **VIII. Электр энергияси тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | | |
| 1 | "Гузар"," Сариқ жўга", "Янги қишлоқ"," Бўстон", "Маданият", "Меҳнатобод", "Ғолиб", "Халқабод", "Тафаккур", "Якка тол", "Чашма", "Сарбон", "Кўҳинур", "Мустақиллик 15 йиллиги", "Мехнатобод", "Гулшан", "Наврўз", "Маориф", "Гулистон" МФЙлардаги мавжуд 0,4 кВа электр хаво тармоқларни реконструкция қилиш | км | 34 | 650 | 650 | | | "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ маблағлари | "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ |
| 2 | "Гузар", "Сариқ жўга", "Янги қишлоқ", "Бўстон", "Маданият", "Мехнабод", "Ғолиб", "Халқабод", "Тафаккур", "Якка тол", "Чашма", "Меҳнатобод", "Наврўз", "Гулистон" МФЙлардаги мавжуд 10 кВа электр хаво тармоқларини реконструкция қилиш | км | 6 | 860 | 860 | | | "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ маблағлари | "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ |
| 3 | "Гузар", "Сариқ жўга", "Маданият", "Бўстон", "Нурафшон", "Мехнабод", "Ғолиб", "Халқабод", "Тафаккур", "Якка тол", "Чашма", "Сарбон", "Кўҳинур","Мустақиллик 15 йиллиги", "Гулшан", "Меҳнатобод", "Наврўз" МФЙларда КТПм-100/10 ўрнатиш | дона | 17 | 1 700 | 1 700 | | | "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ маблағлари | "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ |

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Ўлчов бирлиги | Қуввати | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм) | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил | Молиялаштириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4 | "Гузар", "Сариқ жўға", "Янги қишлоқ", "Бўстон", "Маданият", "Ғолиб", "Халқабод", "Тафаккур", "Якка тол", "Чашма", "Сарбон", "Кўҳинур", "Мустақиллик 15 йиллиги", "Гулшан", "Меҳнатобод", "Наврўз", "Маориф", "Гулистон" МФЙлардаги ёғоч устунларни бетон устунларга алмаштириш | дона | 1 650 | 1 568 | | | 1 568 | "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ маблағлари | "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ |
| | **Жами** | | | **4 778** | **3 210** | | **1 568** | | |
| | **XI. Ичимлик сув ва канализация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | |
| 1 | "Тафаккур" МФЙда ичимлик сув тизимлари қуриш | км<br>дона | 5<br>1 | 580 | 580 | | | Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 2 | "Маориф" МФЙда ичимлик сув тизимлари қуриш | км<br>дона | 4<br>1 | 752 | 752 | | | Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 3 | "Гузар" МФЙда ичимлик сув тизимлари қуриш | км<br>дона | 4,4<br>1 | 830 | 830 | | | Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 4 | "Гулистон", "Меҳнатобод", "Деҳқонобод", "Янги қишлоқ", "Сариқ жўға", "Сарбон", "Гулшан", "Чашма", "Ҳалқабод" МФЙларда жойлашган ичимлик сув қудуғларини реконструкция қилиш | дона | 12 | 2 350 | | | 2 350 | Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 5 | "Гузар", "Пиллакор", "Тафаккур", "Маориф", "Чорвадор" МФЙларда ичимлик суви қудуғи қуриш | дона | 6 | 1 100 | | 1 100 | | Маҳаллий бюджет маблағлари | Андижон вилояти ҳокимлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги |
| | **Жами** | | | **5 612** | **2 162** | **1 100** | **2 350** | | |
| | **XII. Алоқа ва телекоммуникация тизимини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | |
| 1 | Тумандаги халқ таълими (29 та), мактабгача таълим (26 та) ва соғлиқни сақлаш (12 та) муассасаларига оптик толали алоқа тармоқларини тортиш | км | 373 | 8 100 | 8 100 | | | "Ўзбектелеком" АК маблағлари | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилиги, "Ўзбектелеком" АК |
| 2 | Тумандаги Маҳалла фуқаролари йиғини биноларига (25 та) оптик толали алоқа тармоқларини тортиш | км | 280 | 6 080 | | 6 080 | | "Ўзбектелеком" АК маблағлари | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилиги, "Ўзбектелеком" АК |
| | **Жами** | | | **14 180** | **8 100** | **6 080** | | | |
| | **XIII. Уй-жойларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | |
| 1 | "Маориф" МФЙ ҳудудидаги 4 та, "Пиллакор" МФЙдаги 1 та, "Бўстон" МФЙдаги 4 та, "Дўстлик" МФЙдаги 4 та, жами 13 та уй атрофида болалар майдончалари қуриш | дона | 6 | 240 | 240 | | | Маҳаллий бюджет маблағлари | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 2 | "Маориф" МФЙ ҳудудидаги 4 та, "Бўстон" МФЙдаги 2 та, "Пиллакор" МФЙдаги 2 та, "Дўстлик" МФЙдаги 1 та, "Сариқ Жўға" МФЙдаги 1 та, жами 10 та уйлар йўлакчаларига бетон қопламаси қоплаш | кв.м | 2 500 | 275 | 275 | | | Маҳаллий бюджет маблағлари | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 3 | "Маориф" МФЙ ҳудудидаги 4 та, "Бўстон" МФЙдаги 4 та, "Пиллакор" МФЙдаги 2 та, "Дўстлик" МФЙдаги 8 та, "Сариқ Жўға" МФЙдаги 1 та, жами 19 та уй ташқи ёритиш мосламаси ўрнатиш | дона | 75 | 55 | 55 | | | Маҳаллий бюджет маблағлари | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |

ҚҲММБ: 09/20/525/1236
28.08.2020`й.



| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Ўлчов бирлиги | Қуввати | Талаб этиладиган маблағ (млн. сўм) | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил | Молиялаштириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4 | "Маориф" МФЙ ҳудудидаги 5 та, "Бўстон" МФЙдаги 4 та, "Пиллакор" МФЙдаги 1 та, "Дўстлик" МФЙдаги 5 та, жами 15 та уй ҳудудидаги аҳоли учун замонавий тандирхона қуриш | дона | 9 | 85 | 85 | | | Маҳаллий бюджет маблағлари | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 5 | "Бўстон" МФЙ ҳудудидаги 2 та, "Дўстлик" МФЙдаги 6 та, "Маориф" МФЙдаги 4 та, жами 12 та уйда яшовчи аҳоли учун умум фойдаланиладиган ҳожатхоналар қуриш | дона | 5 | 150 | 150 | | | Маҳаллий бюджет маблағлари | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| | **Жами** | | | **805** | **805** | | | | |
| | **XIV. Кичик саноат зонаси ривожлантириш ва инфраструктурани ташкил этиш** | | | | | | | | |
| 1 | "Кўҳинур" МФЙда 2 гектар ер майдонида кичик саноат зонаси ташкил этиш | дона | 1 | 786,0 | 786,0 | | | Ташаббускорлар маблағи | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| | Ташкил этиладиган кичик саноат зонасини инфратузилма тизимлари билан таъминлаш | км | 5,7 | | | | | | |
| | **Жами** | | | **786** | **786** | **0** | **0** | | |
| | **XV. Ирригация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | |
| 1 | Тумандаги Навоий, Озод, Якка тол ва Янги турмуш массивларининг 2500 гектардан зиёд майдонларига сув таъминотини яхшилаш мақсадида "Найнаво" коллекторига сув тўсиш иншоотини қуриш | объект | 1 | 900 | | 900 | | Сув хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида | Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 2 | М.Жалолов массиви "Наврўз" МФЙ ҳудудидаги ва Янги ҳаёт массивидаги ички ариқларни реконструкция қилиш | км | 6 | 1 200 | | 1200 | | Маҳаллий бюджет маблағлари | Андижон вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги |
| | **Жами** | | | **2 100** | **0** | **2 100** | **0** | | |
| | **XVI. Мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** | | | | | | | | |
| 1 | 55-Д-3 коллекторини реконструкция қилиш | км | 5 | 2 000 | | 2000 | | Сув хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида | Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 2 | Ховос коллекторини ҳамда ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқларини реконструкция қилиш | км | 5 | 2 000 | | | 2000 | Сув хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида | Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| 3 | Пасткичек коллекторини реконструкция қилиш | км | 2,7 | 1 900 | | | 1900 | Сув хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида | Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги |
| | **Жами** | | | **5 900** | | **2 000** | **3 900** | | |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3